



# ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 24 феврал, сешанба № 30 (1663)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТЛАР МУЛОҚОТИ

**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Полша Республикаси Президенти Александер Квасневский рафикаси билан 21 феврал кuni Тошкентда тўхтаб ўтди. Яқиндагина таъмирдан чиққан «Тошкент-2» аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов рафикаси билан кутиб олди.**



Шу ернинг ўзидики мамлакат Президентларнинг музокараси бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Александер Квасневский Ўзбекистон-Полша муносабатларига оид долзарб масалалар, томонларни кизиктирган қатор халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашди.

Президент А.Квасневский 2002 йил октябрда мамлакатимизга ташир буюрганида Ўзбекистон билан Полша ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи кўплаб ҳужжатлар имзоланган эди. Бу ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бирга, турли йилларга қарши баҳамжихат курашиш учун ҳам муштаҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг 2003 йил июл ойида Полшага расмий сафари ўзаро муносабатларни яна бир бор олий даражада таҳлил этиш, истиқболни белгилаш учун қулай имконият яратди. Таширф давомида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада 2003 йилда ўзаро товар айирбошлаш

ҳажми уч барабардан кўпроқ ошди. Президент А.Квасневский бу гаглицки муддатли таширф чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилар экан, икки томонда ҳам ҳали кўпгина имкониятлар ишга солинмаётгани таъкидланди. Президентлар бу борада тегшири ташиқлотларга зарур

топшириқлар беришга, ишбилармонларнинг қадрлашдан, ҳамкорликни ривожлантиришга интилишидан, Президентларнинг самимий дўстлигидан далолатдир. Мазкур мулоқот Ўзбекистоннинг Европа ва Осиё ўртасидаги ўзига хос ишончли кўприк вазирасини бажариши ҳақидаги фикрлар қанчалар асосли эканини, мамлакатимизнинг нуфузи халқаро майдонда то-

бора кенгрок эътироф этилаётганини ҳам таъкидлайди.

Полша раҳбари Президент Ислам Каримовнинг таклиф ва кўрсатмалари асосида таъмирланиб, янада жозибадор ва мухташам бўлган «Тошкент-2» аэропортининг илк меҳмони бўлди.

Юртбошимиз мажмуанинг ҳар бир беағи ва ишловини диққат билан кўздан кечирди. Мазкур мажмуа юсак мартабали меҳмонларни кутиб олиш, турли форматдаги учрашулар, матбуот анжуманлари ўтказиш учун мўлжалланган.

Бу даргоҳ мамлакатимиз остоналаридан биридир. Бу ерга қадам қўйган ҳар бир меҳмон Ўзбекистон ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиши, юртимизга хос миллий руҳини ҳис этиши керак, деди Ислам Каримов.

Катта зал тўридаги деворга юртимизнинг тарихи, бугуни ва келажигини акс эттиручи улкан панно ишланган. Президент таъбири билан айтганда, унинг марказидаги Хумо қуши миллигимиз бахти ва иқболнинг тимсоли, очик эшиқлар тасвири эса Ўзбекистон дунё учун очиклигига ишорадир.

Мамлакатимиз раҳбари аэропорт ишини янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда солиқ органларининг 2003 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида солиқчилар олдида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов сўзга чиқди. У иқтисодий соҳадаги қонунбузарликларга қарши курашиш, иқтисодини, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташиқи товар интервенциясидан ҳимоя қилиш, давлат молия тизими барқарорлигини таъминлаш ва миллий валюта-миз кадрини муштаҳамлаш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан эканини таъкидлади.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ана шу йўналишда солиқ органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, давлат бюджетига солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида ундириш бўйича қўрилаган чора-тадбирлар юзасидан маъруза қилди. Бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, бозорлар фаолиятини тартибга солиш, чакана савдо, умумий оқват-ланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳаларида нақд пул айланиши устидан назоратни қулайтириш, қарзларни ундириш, яширин бизнесга қарши курашиш, текширишларни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада қулайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегшили мутаасаддиларга аниқ кўрсатмалар берилди. Бу борада ҳокимликлар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада қулайтириш, мамлакат иқтисодий қудратининг асосий манбаи бўлган солиқ ва тўловларга нисбатан ҳар бир фуқаронинг онгли муносабатини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Соҳада ҳар томонлама етуқ ва билимли кадрларни қўлайтириш, ходимлар касб маҳорати ва маънавий камолотини ошириш, айниқса, муҳимдир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

(ЎЗА)

### Иродали кишилар

**Жонқара яйловларига эрта тондан қўй-қўзилар ёйилди. Кичик ширкат бошқарувчиси Урол Тўрақонов билан чўпонлар ҳузурига йўл олди. Ҳўжалик марказидан олисда жойлашган отарларда кечая кундуз ҳаёт қайнади. Ота касбини шарафлаб келаятган яйлов баҳадирларининг эришаётган натижалари қувончли.**

## ЖОНҚАРА ЯЙЛОВЛАРИДА

Баҳорнинг барвақт келиши, серёмғир кунлар чўпонлар ташвишини орттирган бўлса-да, далак даштарларни ўт-ўнган тўлдирди. Таширбали қўйчивон Баҳодир Турсунов билан бир сафда меҳнат қилаётган Бахтиёр Сариев, Панжи Тўрақонов, Аҳмад Бегимқулов, Бозор Худойкулов бош чўпон бўлган отарларда ҳам тўл мавсуми уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Мавсумни муваффақият-ли ўтказиш учун 10 миң тоннадан зиёд ем-хашак жамғарилган. Отарларга қўшимча ишчи кучлари бериқтилди.

Тўл мавсуми Эратк Зинўлатов, Олим Бабаатов, Нормўмин Сатторов каби яйлов баҳадирлари отарларида уюшқоқлик билан олиб бориляпти. Мавсумни муваффақият-ли ўтказиш учун 10 миң тоннадан зиёд ем-хашак жамғарилган. Отарларга қўшимча ишчи кучлари бериқтилди.

Чўпонлар ҳаёти билан ташириш жараёнида уларнинг рўзғори бут, дастурхони тўкин ва турмуши фаровонлигининг гувоҳи бўлди. Бунинг боси меҳнатдан манфаатдорлигини ошириб бораётганлигида.

Чўпон-чўликлар туман марказидан 70-100 километр узоқликда яшади. Раҳбарият бунчи ҳисобга олиб, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш тўғрисида алоҳида гамиҳўрлик кўрсатяпти. Кишлоқларнинг 2 тасида врачлик пункти, мактаблар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари бор. Шонқудук ва Абдиҳамид кишлоқлари газлаштирилган. Меҳр ва мурувват йўлида кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўми моддий ёрдам, 50 бошдан ортик қўй-эчки берилди. Ёлғиз қарияларнинг аҳолидан хабар олиниб турилибди.

... Илон эши йўллар бепоян яйловлар сари етказилди. Бахмалдаск товланиб турган майданзорларни айлансангиз, субҳидамдаги шудрингдан баҳра оласиз. Дала-даштардаги юз эки гёбларнинг хиди кўнгилга ором бағишлайди.

**Х. ИСОМИДИНОВ, «Ишонч» муҳбири**

### Қарор ва ижро

## САРХИЛ НЕЪМАТ - БОЗОР КЎРКИ

**«Ўзбекистон-Бразилия» компаниясида рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартиштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертифицикаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.**

Экспортбон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга қаратилган махсус дастур асосида иш олиб бориляпти, дейди мазкур компания раисининг биринчи ўринбосари Б.Йўлдошев. Ҳа маҳсулотларга қўйлаб қўйма корхоналар ишга тушириляпти. Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳридаги «Меваалар камалга» Ўзбекистон-Буюк Британия қўйма корхонаси шулар сирасига қиради. Бу ерда йилга ўн миллион банка шарбат қадокланмоқда.

Уларнинг аксарияти халқаро кўргазмаларда муночи тақдирланяпти. Жумладан, «Сижак» виноси Америкада, «Пино» Францияда, «Ўзбекистон» коньяги Россия ва Украинада ўтказилган кўргазмаларда медал ва дипломлар билан тақдирланди.

Тизимдаги корхоналарда тайёрланаётган консерваларнинг етмиш, виночи маҳсулотларининг қарийб қирқ фоизи хорижга чиқариляпти. Консерва саноятини янада ривожлантириш мақсадида бошлар таомлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. «Бошлар таомлари» холдинги компанияси таркибига кирувчи учта корхонада ишлаб чиқариляпти.

Маҳсулот турлари кўпайиши баробарида сифати яхшиланмоқда.

(ЎЗА)

### ҒАЛЛА ЭКСПОРТГА

**Ғузур туманидаги «Эл ҳақи» дон маҳсулотлари очик акциядорлик жамияти республика Ташки иқтисодий алоқалар агентлигининг «Интер импекс» компанияси билан имзоланган шартнома асосида хорижга икки миң тонна ғалла экспорт қилди.**

Акциядорлик жамияти бош муҳандиси Шавкат Бекбоевнинг таъкидлашича, озарбайжонлик истеъмолчи «Авесто» фирмасига доннинг ҳар бир тоннаси 125 АҚШ доллари нархида сотилди. Яқинда «Машароф-импекс» компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ қорхона хорижга яна беш миң тонна дон жўнатишни мўлжалламоқда.

Ғузурдаги «Эл ҳақи» акциядорлик жамияти жорий йилда хорижга жами ўн беш миң тонна ғалла экспорт қилишни режалаштирмоқда.

«Туркистон-пресс»

### 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

## ИНСОННИНГ ЭНГ УЛУФ СИФАТИ

Муҳтожларга меҳр-саховат, хайр-эхсон кўрсатмоқ халқимизнинг азалли анъаналаридан ҳисобланади. Айниқса, доно ота-боболаримиз илм-маърифат соҳибларига алоҳида мурувват кўрсатиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашган. Шу боис юртимиздан ўнлаб алломалар етишиб чиққани, уларнинг ҳар бири инсоният тараққиётига салмоқли улш қўшган.

Ҳазрат Навоийнинг бу борадаги фаолиятлари барчамизга ўрнак. Улуғ шоир ўз маблагларига қурдирган Ихлосия мадрасаси қаршисиди хонақода ҳар кун миңдан ортик муҳтожларга мурувват кўрсатилган. Ҳар йили муҳтожларга икки миңга яқин пўстин, босма чўпон кийим-бош ва қавуш улашилган. Олиму уламолар, санъат аҳли ва хунармандларга, айниқса толиби илмларга шир нафақат давлат хазинасидан, балки ўз маблагидан нафақалар ажратган.

Мамлакатимиз раҳбарининг меҳр-мурувватига алоҳида эътибор қаратилганнинг замирида ҳам аввало ҳамиятда аҳиллик, меҳроқибатлилик, миллатлараро дўстлик муҳитини муштаҳамлашдек хайрли ният, масъулиятли вазифа турибди. Бу борада Термиз Давлат университетидида савобли ишлар амалга оширилмоқда. Университет ректорати ва касба уюшма кўми-

таси, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан олийгоҳда таълим олаётган 9 нафар ота-онаси ва 19 нафар ногирон талабаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида махсус дастур ишлаб чиқди.

Унга асосан педагогика ва мусика факультетидан Ойбек Жаҳоннаев, Шавак Эргашев, Феруза Бегметова, тарих факультетидан Очил Мамадалиев, Зухра Донаева, касбий таълим факультетидан Баҳодир Қодиров, Фарида Ҳасимова, филология факультетидан Ақром Шаймардонов каби ногирон, Мансур Раҳимов, Ғайрат Бердалиев, Ҳасан Исमतов сингари ота-онасиз қолган талабаларга янги йил байрами муносабати билан дастур берилди. Шунингдек, олис кишлоқлардан келиб олийгоҳда таълим олаётган талабалар тўлиқ ётоқхона билан таъминланди. Кўзи ожиз Марат Худойкулов ва Феруза Бегметовалар учун ётоқхоналардан махсус хоналар ажратиб берилган. Бу икки талаба оиласи билан бирга ётоқхонада яшамоқда. Шунингдек, уларга талабалар

санаторий-профилакторийсида дам олиш, навбатсиз даволаниш учун барча шароитлар яратиб берилган.

Етим ва ногирон талабалар олийгоҳ ректори буйруғи билан кишлоқ хўжалиги ишларидан озод этилган. Уларга ҳар ойда стипендия ва нафақалар ўз вақтида, нақд тўланиши йўлга қўйилган.

2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши қалби-мизда олижаноб ишларга рағбат уйғотди, дейди олийгоҳнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Поён Бақиров. - Ҳадис Шарифда ҳам инсоннинг энг улш сифати - меҳрибонлик ва марҳамат дейилган. Биз ҳам бу борада алоҳида дастур асосида иш олиб бориляпти. Унга асосан етим ва ногирон, кам таъминланган талабаларимизга меҳр-саховат кўрсатаямиш. Бундан ташқари, талабаларимиз учун касба уюшма кўмитамиз ҳисобидан 200 миң сўмлик моддий ёрдам уюштириш ниятидамиш.

**Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири**

## ЕР ҒИРРОМЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

Ёр - бебаҳо бойлик. Асл дехқон унинг ҳар қаричини эъзозлаб, уғитга тўйинтиради. Экинларни меҳр билан парваришлаб, ҳар қарич ердан умумий фойдаланишга ҳаракат қилади. Бирок, ушбу хўжалиқдаги баъзи адолатсизлик, бир ёқлама иш юритиш ҳолатлари, қолаверса, ёлгон гап-сўзлар миришкорларнинг кўнгилни совутмоқда, шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда бир мисолга эътиборни қаратсак.

Биз - қариндошлар билан жами ўн киши ширкат аъзосимиз, - деб ёзади Хатирчи туманидаги Абдуҳалиқ Халимов номи хўжалиқда яшовчи Қаромиддин Бердиев. - Ширкат тўғрисида

даги Қонунда ер аъзолар ўртасида тенг тақсимот бўлиши керак, дейилган. Бизда эса, афсуски бундай бўлмапти. Жумладан, Зокир Боймуродовга 14 гектар ер ажратилган. У 2001 йилда 3 гектар пахта етиштирилмайдиган майдонга ўз манфаатини ўйлаб қунжут экди. 2002 йилда 7 гектарга чигит, 6 гектарга ғалла экишга шартнома тузгани ҳолда 8 гектарга ғалла экиб, қанчадан-қанча донни ўз манфаати йўлида йиғиштириб олди. 2003 йилда эса 1 гектар ердаги унинг чиққан ғўза ниҳолларини бузиб, сабзи, помидор қўчати экиб юборди. Қўриқиб турибдики, қиллардир ердан ўзи хоҳлаганича фойдаланиб келмоқда. Бизнинг ер сураб ширкат хўжалиги раиси Фозур Холиқовга

қилган муурожаатимиз эса анчадан бери жавобсиз қолиб келмоқда. Шу мазмундаги хатлар юқори ташкилотларга, прокуратура, газета тахририятларига ҳам юборилган экан. Хўжалиқдан олинган маълумотларга қараганда, текширишларда Зокир Боймуродов оилавий пудрат 2002 йилда пахта, ғалладан белгиланган режани орғи билан бажарган. Бирок, 2003 йилда ғалла белгиланганидан кам топширилган. Боз устига, 14 сотих ерга сабзи, 0,8 гектар ерга помидор қўчати экилганиги аниқланган.

Биз шикоятда келтирилган ва текширишда аниқланган фактларнинг нечоғлиқ тўғри ёки нотўғри эканигига эътиборни қаратмоқчи эмасмиз. Асосий гап ва кўпчилики йўлдан би-

### Қонун барчага баробар

раётган чигаллик шундаки, хўжалиқнинг айрим раҳбару мухтаассиолари амалдаги қонунларга, ширкат хўжалиги низомига зид хатти-ҳаракатлар қилиб, ортикча гап-сўз, шикоятнинг кўпайишига сабабчи бўлаётганлигидир. Хўжалик раҳбари Ф.Холиқов бир кун бўлса ҳам тинч юрай, дейдими, ҳар қалай ер сураб келганларнинг қўйини пуч ёнгоққа тулганлигини одат қилган қўриқчида. К.Бердиев шикоят хати юзасидан кўнглини қўриқчида, бирозигина гина қудратли гап-сўздан сўнг раис масалани қўйилмақом қилиб ҳал этиб ташлади. Орадан икки кун ўтган, ҳатто 2004 йил бўлди ҳосили учун шикоятчининг ўғли Бехзод Бердиевга 3,5 гектар ер ажратилганини, ҳосилдорлик 46 центнер қилиб белгилангани ҳақидаги ҳужжатни қўйилмақомга тутқазди. Лекин шикоятчилар ҳам анойи эмас эканлар. Уларни раиснинг қулоқ ваъдалари, на ер тузувчи имзоланган қорозини кўрсатиб ишонтири олдик. Сабаби, бундай ваъдаларни, қорозларни

илгари ҳам қўллаб олишган бўлишига қарамай, ниятларига эришолмаган. Мана орадан анча вақт ўтди. Шубҳа-ғумонлар асосли бўлиб чиқди. Бехзод Бердиевга ҳамон ер тегмапти. Барака топгур, раис ваъда билан ҳаммани қойиб қилиб юрган экан. Яқинда ширкат хўжалиқда яшовчи Холмуҳамид Расуловдан ҳам хат олдиқ. Унда жумладан шундай дейилади: «Мен ширкат хўжалиқидида беш пудратчиман, 7 гектар ерим бор. 2002 йилда шартнома шартларини тўла бажардим. Хўжалик раисини 3,5 гектар еримни Б.Бердиевга бермоқчи бўлибди. Бундан норози бўлиб раҳбарга рубару бўлганимда «Қуруқ гап, Қаромиддин ақанинг аризонсини бости-бости қилиш учун айтганидир» деб қолди. Энди бунга нима дейиш мумкин? Ахир, қуруқ ваъда билан қанонга одамларнинг қўйини пуч ёнгоққа тулганасиз, раис?»

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири**





### Касаба уюшма спорти фидойилари

## МУРАББИЙ МАҲОРАТИ

Спорт кишидан катта куч, матонат, энг асосийси, фидойиликни талаб этади. Зотан, ўзда шу каби фазилатларни тўла мужассам эта олмаган спортчи ёки мураббийнинг кўзлаган максатда эришиши амри маҳол.

Мамлакатимизда касаба уюшма спортини ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш ҳамда маҳоратли спортчиларни тарбиялашда оғир атлетикага ихтисослашган Олимпия захиралари мактаби директори Александр Паршиннинг катта хиссаси бор. Бинобарин, у 55 йил спорт соҳасида, шундан 40 йил касаба уюшма тизимида самарали меҳнат қилди. Кўп йиллар халқаро ва республика мусобақаларида қатнашиб, бир неча бор зафар кучган. А.Паршин мураббийлик соҳасида ҳам муваффақият билан иш олиб борди. Халқаро миқёсдаги беллашуларнинг голиб ва совриндорлари — кўплаб спорт усталарини тарбиялади. Улар орасида Владимир Ли, Шариф Пулатов, Сарвар Муртазов, Клим Манишев, Собир Очилдиев сингари унлаб таниқли оғир атлетикачиларнинг борлиги фикримиз исботидир.

Касаба уюшма спорти фидойиси бугун кўтлуг 75 ёшини қаршиламоқда. Юраги зўр иштиёқ-интилишга тўла жонқуяр ва талабчан мураббий бундан кейин ҳам Ватанимиз спортини дунёга танитиш, яна кўплаб маҳоратли оғир атлетика усталарини тарбиялашга шубҳа йўқ.

О. КАМОЛОВ



**Тарихда ўз ватани ва эътиқоди йўлида ўлимдан ҳам қайтмай, халқини босқинчиларга қарши оқбантирган Спитамен, Широк, Тўмарис, Жалолиддин каби улук қаҳрамонлари асарлар оша эъзозлаб келамиз. Улар орасида номи тилларда дoston Муқанна ҳам бор.**  
**Бу улук шахс ҳақида хатто буюк комусий олим Абу Райхон Беруний махсус асар ёзгани маълум. Бирок бу асар ҳозиргача топилмаган. X асрда яратилган «Ахбори Муқанна», «Бухоро тарихи» номли асарларда Муқанна тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. VIII-X аср тарихига оид жуда кўп маълумотлар битилган бу китоблар бизга ўша даврнинг маданий, иқтисодий, сиёсий жиҳатларини дурустроқ ўрганишимизга кўмак беради.**

Бу жиҳатдан, айниқса, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари гоғат катта қий-матга эга. Муарриб бу асарни 944 йилда араб тилида ёзган бўлиб, унинг бирорта қўлёмаси бизгача етиб келмаган. Фақатгина бу машҳур асарнинг Фарғона воҳдасининг Кува мазеъида яшаган Абу Наср Аҳмад ал-Кубавийнинг форс тилидаги таржимаси маълум ҳолос.

Ал-Кубавий кейинчалик бу мўътабар маълумотни тагин ҳам мукаммалроқ қилиш иста-тида, 1178 йили иккинчи маротаба таржима қилган. У Наршахий ўз китобида Муқанна ҳақида кенг ва чуқур тўхтала олмаганлигини, шу тўғрисида бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланиб, бу ишбори шахс ҳаётини ойдинлаштирилганлигини айтди. IX асрда яшаган Муҳаммад Абул Хасан Абдурахмон ибн Муҳаммад Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум», ибн Жарир Табарийнинг «Ахбори Муқанна» номли форс тилида яратилган тарихий китобларига суяниб, Муқанна Марвининг Коза деган қишлоғида таваллуд тоғлан-лиги ҳақида маълумот келти-ради.

Унинг асли номи Хошим ибн Ҳаким бўлиб, ўз замонасининг улук кишиларидан бўлганлигини, хатто пайгамбар деб эътироф этилган шахсият эканлигини айтди. Муқанна аббосий халифаларидан Маҳдий ибн Мансур билан қилган жангда енгил-либ, 784 йил ўзини ёқиб юборганлиги ҳақида маълумот келтирилди.

Шу билан бирга алоҳида қайд этиш жоизки, Муқанна оддий кўзголончигина эмас. У диний ва дунёвий адаби-ётни чуқур ўзлаштирган, Зардуштийга оид кўп муқад-дас китобларни ўқиган, халқларвар, юртпарвар ташвиқ-қотчи олим бўлган. Нишопурийнинг маълумот бери-шича, унинг отаси ҳам 754-йиллар атрофида Абу Жаъфар Давонакий кўл остида лашкарбошилик лавозимда ишлаган. Муқанна ўзини пайгамбар деб танитган, ис-ломга сиғинмаслик ғоясини очик баён қилиб, халифалик зугумларидан чўчиб юз-кўзига қўр парда тортиб юр-ган. Давонакий уни Мар-вадан тутиб олиб, Боғдод зин-донига ташлаттирган. Қамок муддатини ўтлатиб Марвага қай-тган. Муқаннанинг домий ташвиқотчилари чор тараф-га ер юзининг бутун ҳукм-дорлиги фақат унгагина хос, кимки унга имон келтирса жаннат ўшаники, имон кел-тирмаганнинг жони азобу жаҳаннамдодир, деган вара-қалар тарқатади.

Кизиғи шундаки, Урта Осиёда, хусусан, Бухоро ва Самарқандда муқим туриб қолган кўпгина уммавий дириб, лашкарларини у ерга жойлади. Шундоқ бўлса-да, Жаброил тўрт ойдан орт-ка муқаддас ҳам ғалабани қўлга киритолмади. Исом лашкар-бошиларидан Молик ибн Фо-рим Муқанна ашаётган Хисор ўрдуси томон ер остидан лаҳм қовлатиб, олов ёқиб қўйдириб юбормоқчи бўлган-ни ҳам наф келтирмади. Лаҳм ичида ҳавонинг сийрақлиги оловнинг ёнишига имон бер-мади. Шундан кейин Хисор девори оша оловли палаҳмон тошлари ёғдирилди. Бу қан-дайдири маънода фойда бер-ди. Жангда жуда кўп муқан-начилар ўлдирилди. Муқанна лашкарбошларидан Ҳаким Жаброилнинг қўлига тушган, Аббос томонидан яширин ра-вишда қатл эттирилди.

«Оқ кийимлилар» бундан хабар тоғган, Жаброил билан қаттиқ жангга қирадилар. Энди Ҳаким ўрини Гирдак эгаллаб, кўл остидаги лаш-карларини Муқанна яшайдиган ҳисорга элтади. Бирок, бу жангда яна бир лашкарбо-ши Бойғи ҳам ҳалок бўлади. Жаброил сўғларнинг ҳам юрагига қўлула солиш учун ўлдирилган «оқ кийимлилар» қалдирани кесиб, Самар-қандга элтади. Уша кўзларда сўғларнинг ҳукмдори амир Сугдийн ҳам хийла тузоғига тушиб ўлдирилган, қолган ас-карлар тарқатиб юборилди. Сўнгра Хисор амира Маоз ибн Муслим Марвага келиб, ундан Бухорога ўтиб деҳқон-лардан ташкил тоғган 570 минг лашкар тузади, уларни уруш қуроллари билан таъ-минлайди.

### Тарихимизни ўрганамиз

юбориб, мусулмончилиқни қабул қилганлигини билдира-ди. Бухоронинг ҳамма амал-дорлари, шу жумладан амир ибн Маоз ҳам сулҳ шарт-ларини қабул қилиб, ҳужжат-ларга имзо чеқди. Бирок фо-тиҳлар «оқ кийимлилар» ман-зилни тарқ этишлари билан муқанначилар фикрларидан қайтиб, йўлтўсарлиқни давом эттирадilar. Бундан ғазаб-ланган халифа ўз вазири Жаброил Яхёни Муқаннага қарши ташлайди. Жаброил тезроқ мақсадга еришиш иста-тида Наршах қишлоғига бо-стриб бориб, ҳандақлар қаз-

ка шай бўлиб турган бир кезде, Хисор дарвозасининг яқинига Хуросон амира ибн Саъд бошлик неча юз минглаб исом лашкарлари келиб қўнадилар. Лекин улар бир неча кунлик жанг билан ҳам Хисорни ололма-гач, шу қишлоқ атрофига ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалалари билан шугулланаётган бу жағмама шу йиллар давомида кўплаб хай-ри тadbирларни амалга оширди.

Жағмама ҳузурида болаларни жисмоний чинқиштириш билан шу-гуллануви секциялар юзага келди. «Гармо-ний» деб номланган ушбу марказ ўз истик-бол режасига ҳам эга.

Яқинда марказда тайёрлов мактаби ҳам очилди. Бу ерда му-сика-эстетика масала-ларига катта аҳамият берилмоқда. Бундан та-шқари, болалар ва ўсмирлар учун «Актёр-лик маҳорати» мактаби иш бошлади.

**ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА**  
Бирмингем шаҳрида ўтказилган «Европа театр-лари учрашувлари» деб номланган халқаро ан-жуманда Ўзбекистон ёш-лар театри бадий раҳ-бари Наби Абдурахмо-нов ҳам иштирок этди. Унда Ўзбекистонда театр санъати ривожига масала-лари кўпчилиқда қизи-қиш ўйотди.

Шунинг учун ҳам «Но-расмий европа театр-лари учрашувлари» бош ассамблеяси ташкилот-узининг наватбадаги уч-рашуви Тошкентда ўт-казиш истагини бил-дирди. Шу йилнинг май ойида уюштирилган бу анжуман «Умо» хал-қаро фестивали доира-сида ташкил этилди.

**АКБАР АЛИЕВ**

Шундай қилиб, ички Хисордан бирор жонни ти-риқ ушлаш олмадилар. Му-қаннанинг тирик қолган ягона хотини Хисор дарво-засини очиб қочиб кетган, Саъд Ҳараший у ерга ки-риб, барча бойликларни та-лаб кетади. XII асрда яша-ган Аҳмад ибн Муҳаммад Муқаннадан ягона сакланиб қолган ўша аёл қавмидан билан бирга унинг хос қўли ҳисобланмиш Ҳожиб и-стиқомат қилган. У Муқанна-нинг бутун хатти-ҳаракатидан тортиб, ниятигача жуда яхши билган. Муқанна қўлга тушиш арафасида ўз хотинларини ҳузурига қорлаб, ойнада акс этадиган қўёш нурларини бир-бирига туширишни амр этади. Ва ҳожиби нурга ишо-ра қилиб, одамларни хайрат-га солади. Тўпланган 50 минг ахоли бу сирли манзарани кўриб, ҳаммалари унга ол-дингидан ҳам ортиқроқ дара-жада сажда қилдилар. «Оқ кийимлилар» кимки Муқанна-га имон келтирмаса, унинг мол-мулки, аҳли-аёли биз учун ҳалол» деб талончилик-

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**  
филология фанлари номзоди

### ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТ

Бундан беш йил ав-вал республикамизда «Шарқ аёли» халқаро хотин-қизлар жағма-маси ўз ишини бошла-ган эди. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишида аёлларнинг фаоллигини ошириш масалалари билан шугулланаётган бу жағмама шу йиллар давомида кўплаб хай-ри тadbирларни амалга оширди.

Жағмама ҳузурида болаларни жисмоний чинқиштириш билан шу-гуллануви секциялар юзага келди. «Гармо-ний» деб номланган ушбу марказ ўз истик-бол режасига ҳам эга.

Яқинда марказда тайёрлов мактаби ҳам очилди. Бу ерда му-сика-эстетика масала-ларига катта аҳамият берилмоқда. Бундан та-шқари, болалар ва ўсмирлар учун «Актёр-лик маҳорати» мактаби иш бошлади.

**ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА**  
Бирмингем шаҳрида ўтказилган «Европа театр-лари учрашувлари» деб номланган халқаро ан-жуманда Ўзбекистон ёш-лар театри бадий раҳ-бари Наби Абдурахмо-нов ҳам иштирок этди. Унда Ўзбекистонда театр санъати ривожига масала-лари кўпчилиқда қизи-қиш ўйотди.

Шунинг учун ҳам «Но-расмий европа театр-лари учрашувлари» бош ассамблеяси ташкилот-узининг наватбадаги уч-рашуви Тошкентда ўт-казиш истагини бил-дирди. Шу йилнинг май ойида уюштирилган бу анжуман «Умо» хал-қаро фестивали доира-сида ташкил этилди.

**АКБАР АЛИЕВ**

### Маънавият

**Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, самарадорлигини оширишда маданият ўчоқлари, айниқса кутубхоналарнинг хизма-ти бекиёсдир. Бу борда Кумқўрғон туманида муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

## КУМҚЎРҒОН КУТУБХОНАЛАРИ

Айниқса, М.Ҳамзаева, З.Қаюмова мудирлик қила-ётган зиё масканларида ки-тоб тарғиботи яхши йўлга қўйилган. С.Сафарова, З.Қур-бонова, Н.Жўраевалар муди-рлик қилаётган тармоқ ку-тубхоналарида эса «Ўзбеки-стон барқорор тараққиёт йўлида», «Ишбилармон ва тadbиркорлар сизлар учун», «Тadbиркорлик – давр тала-би» каби кўргазмалар таш-кил этилиб, давра суҳбатла-ри уюштирилди.

Ватанин севмоқ иймондан-дир. Ёшлар қалбига юртга муҳаббат, аждодларга ҳурмат туйғулари шакллантиришда зиё масканларининг хизмати катта. Шу боис ватанпарвар-ликка оид адабиётлар тарғи-ботига алоҳида эътибор қари-тиломоқда. «Ўзбегим ўғонла-ри», «Мардлар қўриқларида Ватанин» мавзуда 10-11-синф ўқувчилари иштирокида дав-ра суҳбатлари ёшларда илк таасурот қолдирди.

Айни кунларда умумхалқ байрами Наврўз муносабати билан маҳалла кўмиталари ҳамкорлигида кўплаб адабий-муслиқий кечалар ўтказишга тайёрлик ишлари бошлаб юборилган.

Мақсадимиз китобхон-ларни тугилиб ўсган она юрт тарихи, миллий қадриятла-ридан хабардор қилишдир. Шу ниятда «Обод маҳалла», «Кумқўрғон тарихи», «Аҳил-

### «НИКА» ҚИЗЛАРИ ГОЛИБ

**Навоий шаҳридаги «Сўғдийна» спорт саройи-да баскетбол бўйича олий лига жамоалари ўр-тасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур мусобақалари якунланди.**

Тошкентнинг «Политех», «Скиф», Бухоронинг «Уни-верситет», Навоийнинг «Ника» ҳамда Андижон, На-манган, Фарғона вилоятларининг энг сара жамоа-лари бир ҳафта давомида ўзаро куч синашди.

«Ника» мамлакатимиздаги энг кучли жамоалардан саналади. У ўтган йили ҳам миллий чемпионатимиз голиби бўлган эди. Бу сафар ҳам «Ника» қизлари-нинг қўли балан қолди.

### ҲИНДИСТОН - РАССОМЛАРИМИЗ ИЖОДИДА

**Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Ҳиндистон - ўзбек рассом-лари ижодида» кўргазмаси очилди.**

Унда Рўзи Чориев, Турсунали Кўзиёв, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов, Акмал Нур ва бошқа кўплаб мўйкалам усталарининг юздан ортиқ асар-лари намойиш этилмоқда.

### ПОЙТАХТЛИКЛАР - ПЕШҚАДАМ

**Пойтахтимизда гандбол бўйича аёллар ўр-тасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи тур беллашувлари якунланди.**

Тошкентнинг «Алгоритм-1» жамоаси жадалнинг энг юқори погонасини эгаллади. Кейинги ўринлар Ўзбекистон миллий университети ва «Олмалик» жа-моаси гандболчи қизларига насиб қилди.

9-16 март кунли ўтадиган иккинчи тур бахсларига Бухоро шаҳри мезбонлик қилади.

**(ЎЗА)**

### ҲАМЮРТЛАРИМИЗ

#### ҒАЛАБАСИ

Профессионал боксинг WBO йўналишида рейтинг «жанг»ларини ўтказётган ҳамюртларимиз наватбадаги ғалабани қўлга киритишди.

Германиянинг Любек шаҳ-рида ўта оғир вазнда рингга кўтарилган Руслан Чагаев аме-рикали рақиби Седрик Фил-дсга ҳеч қандай имконият қол-дирмади. Уйини баҳоллаб бор-ган бир ҳакамларнинг ҳаммаси бир овоздан Руслани голиб деб эътироф этди. Шундай қилиб, у «профи» ринглардаги 12-жангини ғалаба билан якунлади.

Яна бир иқтидорли боксе-рнинг Мухаммадқодир Абдулла-ев ҳам наватбадаги рейтинг жангида зафар қўчди. Бу гал венецуэлялик Ричард Рейнага қарши олушуда Мухаммад қодир тўла устуллигини намой-иш этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят Сирдарё вил-ояти Сирдарё тумани қўмитасининг раиси Алижон Матхолоқова укаси

**Абубакр МАТХОЛИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чўкур таъзия ихзор этади.

Касаба уюшмалари Сир-дарё вилоят Кенгашли, таъ-лим ва фан ходимлари ка-саба уюшма вилоят қўмита-си Сирдарё туман касаба уюшма қўмитаси раиси Али-жон Матхолоқова укаси

**Абубакр МАТХОЛИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чўкур ҳамдардлик ихзор этади.

Ўзбекистон давлат муас-сасалари ва жамоат хизма-ти ходимлари касаба уюш-ма Марказий қўмитаси, Тошкент шаҳар тармоқ ка-саба уюшма қўмитаси ва раёсати Тошкент шаҳар Халқ банки ходимлари бир-лашган касаба уюшма қў-митасининг раиси Шухратил-ла Самадова онаси

**ЗАРОФАТ** аянинг вафот этганлиги муноса-бати билан чўкур таъзия их-зор қилади.

Тошкент шаҳар кичик, ўрта бизнес, матбуот коопераци-яси, савдо ходимлари ва ҳу-сусий тadbиркорлар касаба уюшма Кенгашининг раёсат ва жамоаси Ҳамза тумани ва-кили Абдуқомил Пулатовага падари бўзуқвори

**ВОСИК** отанинг вафот этганлиги муноса-бати билан чўкур ҳамдард-лик ихзор этади.

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алихўжаева, Мамура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибят 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва зылонлар бўлими (3712) 56-85-79.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома қўйилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотивла эркин нархда.